

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Х.Худайбердиев

Мақола миллий қадриятларнинг илмий таҳлил қилиниши, қадриятларнинг кўринишлари, шакллари, Ўзбекистон мустақиллик даврида миллий қадриятларнинг ишлаб чиқилиши ва ривожлантирилиши таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар ва иборалар: *инсон, инсоният, жамият, қадриятлар муаммоси, XX аср 60 йилларида унинг ўрганила бошлаши, қадриятларнинг кўринишлари, шакллари, мустақиллик, қадриятларнинг ишлаб чиқилиши ва ривожлантирилиши.*

НЕЗАВИСИМОСТЬ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ

Х.Худайбердиев

В статье анализируется научные разработки учение о ценностях, виды, формы ценностей, разработка и развитие национальных ценностей в условиях независимости Узбекистана.

Ключевые слова и понятия: *человек, человечество, общества, проблемы ценностей, изучение ценностей 60-х годов XX века, виды и формы ценностей, независимость Узбекистана, разработка и развитие ценностей.*

INDEPENDENCE AND NATIONAL VALUES

Khudayberdiyev Kh

The article analyzed the scientific analysis of national values, the forms and forms of values, the development and development of national values in Uzbekistan during independence.

Key word and phrases: *the problem of humanity, society, values, its studying in the 60s of 20th century, forms, forms, independence, values development and development.*

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР.

Х.Худайбердиев

*Термиз-муҳандислик технология институти Гуманитар фанлар кафедраси
доценти, ф.ф.н.*

Инсон, инсоният, жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайдиган масалалардан бири-қадриятлар муаммоси ҳисобланади. Қадриятлар масаласи инсоният ўзини таний бошлаган даврдан бери мавжуд бўлсада, лекин у таълимот сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида немис олими Э.Гартман ва француз олими П.Лапи томонидан илмий-муомилага киритилган. Собиқ иттифоқда кўп йиллар қадриятлар масаласига эътибор берилмади. Фақат XX аср 60 йилларида бу масалага қизиқиш пайдо бўла бошлади. Бу соҳада биринчи бўлиб файласуф олим В.П.Тугаринов кейинчалик эса О.Г.Дробницкий, М.С.Когон, Л.Н.Столловин, О.Бакурадзе, В.П.Иванов, М.А.Лифшицлар томонидан қадриятлар масаласи таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда эса қадриятшунослик (аксеология) XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошланди. Бу борада Х.П.Пўлатов, О.П.Умрзоқова, Х.А.Алиқулов, А.Жалолов, Ж.Туленов, Э.Ю.Юсупов, Х.О.Шайхова, Қ.Назаров, Қ.Хоназаров, А.Абдусамедов, А.Ортиқов, О.Бозоров, Б.О.Тураев, Б.Р.Каримов, Ф.Темиров, Х.Худайбердиев, С.Назарова ва бошқалар бу соҳага катта ҳисса қўшдилар.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиш зарурки қадриятлар масаласини ҳар томонлама таҳлил қилиш, қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш, унинг мазмун-моҳияти, ролини бойитиш Ўзбекистонда амалга оширилган мустақиллик туфайли, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг саъи-ҳаракатлари билан, мустақиллик йилларида амалга оширилган ва оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ислохатлар билан чамбарчас боғланган.

Қадрият нима? Қадрият воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсонийлик, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик (аксе-қадрият, логос-таълимот) тушунчадир. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий ҳислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади.

Қадрият деб инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуига тушунилади. Айни пайтда шуни қайд қилиш керакки, инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадриятлар деб ҳисоблаш ноўриндир, Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадриятлари ҳақида сўзлаш бемаъниликдир. Шунга кўра инсон ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади.

Қадриятшунослик (аксеология) фани ютуқларини умумлаштириб, бизнинг фикримизча уларни қуйидаги турларга, шаклларга бўлиш мумкин:

Қадриятларнинг типлари ёки турлари иккига бўлинади: 1. Моддий қадриятлар. 2. Маънавий қадриятлар.

Қадриятлар характериға қараб қуйидаги кўринишларға: 1. Оилавий; 2. Қабилавий; 3. Этник; 4. Миллий; 5. Худудий; 6. Минтақавий; 7. Байналминал; 8. Умуминсоний; 9. Тарихий; 10. Демократик қадриятларға бўлинади.

Қадриятлар шакллариға қараб қуйидагиларға бўлинади: 1. Сиёсий; 2. Ҳуқуқий; 3. Ахлоқий; 4. Эстетик; 5. Фалсафий; 6. Илмий; 7. Диний; 8. Даҳрийлик; 9. Демографик; 10. Экологик; 11. Иқтисодий қадриятларға бўлинади.

Қадриятлар ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида, ўз тарихий илдизи, ривож, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабат учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти, хатти-ҳаракатини маълум йўналишға бурадиган, тегишли меъёрға соладиган маънавий ҳодисага айланади ва айланмоқда. Инсон бутун умри давомида, сон-саноксиз қадриятлар оламида яшайди. Инсониятнинг ўраб турган борлиқ табиий ва ижтимоий атроф-муҳит, тирик ва нотирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодаладиган қадриятлар умумбашарий хусусиятға эгадир. Бундай қадриятлар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, абадий, мутлоқ ва муқаддас қадриятлардир.

Одамзоднинг яшаши, умргузаронлиги, фарзандлари ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ва ахлоқий соҳаларига тааллуқли бўлган умумжамият миқёсидаги қадриятлар бутун инсоният ва жамиятға тегишли бўлганидан, умуминсоний қадриятлар деб аталади. Шундай қадриятлар ҳам борки, улар муайян бир миллат, элат ва халқ ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг ўтмиш, келажаги ва яшаётган ижтимоий муҳити билан боғлиқдир. Улар миллий қадриятлар деб тушунилади. Энг олий қадрият-инсон, унинг фаолияти турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, ишонч-эътиқоди, умр маъноси, хулқ-одоби билан боғлиқ, шахсий қадриятлари. Аммо, умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар ва бошқа қадриятлар учун умумий мезон вазифасини ўтайди. Қадриятларнинг мазмун ва тусига қараб, ижобий ёки салбий жиҳатларға ажратиш мумкин. Қадриятлар Ўзбекистон мустақиллиги шароитида, янгича мазмун касб этиб, покланиб, такомиллашиб бормоқда.

Қадриятлар тизимининг муҳим бир қисмини миллий қадриятлар ташкил қилади.

Муайян миллат вакиллари учун зарур ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган, манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган маънавий бойликлар, амаллар ва тамойиллар, ғоялар ва меъёрлар миллий қадриятлардир,

Миллий қадриятлар шаклланиши ва ривожланиши бевосита Ўзбекистон мустақиллиги билан чамбарчас боғлангандир. Тўғри, миллий қадриятларимиз ўзбек халқининг шаклланиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлангандир,

Лекин ўзбек миллий қадриятлари юртимизда турли босқинчилар ҳукмронлик қилган даврларда ҳисобсиз топталди. Рус шарқшуноси В.В.Бартольд Марказий Осиё Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин бирнеча марта илмий сафар қилиб Санкт-Петербург фанлар академияси Кенгашида берган ҳисоботида "...биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан анча паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олган эдик. Энди бўлса, Туркистон мисолида тамоm тескари аҳволга дуч келиб турибмиз: Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунликларимизга тан беришди, аммо маънавий устунлигимизни тан олишгани йўқ. Вазифа ана шуни тан олдиришдан иборатдир. То шуни тан олмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик, деб айта олмаймиз" [1:3], деган эди. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, халқимизнинг маънавияти, миллий қадриятлари қарамлик йилларда ҳам йўқ бўлиб кетмади.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳам байналминалликка урғу берилиб миллийликка, миллий қадриятларга эътибор берилмади. Бордию бунга кимдир эътибор берса, унга миллатчилик тамғасини босишди.

Шу маънода мустақиллик миллий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар очди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов мустақиллигимизнинг илк даврларидаёқ шундай деган эди: "Ўзбек диёрида, тарихди кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими-инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади" [2:76], деган эди.

Миллий қадриятларимизнинг аслига келтириш ва ривожлантиришда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари, ҳар хил байрамлари, бой қадимий мероси ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга. Маданий-маънавий меросимиз, асрий анъаналар-ўтмишдан, авлод-аждоғларимиздан бизларга етиб келган, бугунги ҳаётимиз учун хизмат қилаётган энг катта маънавий бойлик, буюк хазинадир. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

Ўтмишга, маданий меросга ҳурмат-бу, биринчи галда, унинг яратувчиси, кўз қорачиғида авайлаб-асровчи ва ривожлантирувчиси бўлган халқ оmmasига кўрсатилган иззат-икром, меҳр-оқибатдир, Ўзининг ўтмиш тарихига, маданиятига, тарихий меросига, миллий анъаналарига катта эътибор ва ҳурмат билан қарайдиган халқнинг истиқболи порлоқ бўлади. Ўтмишимизни қанчалик яхши билсак ва эъозласак, ҳозирги даврни, мустақиллигимиз истиқболи ва аҳамиятини шунчалик чуқур ва мукамал тушунамиз.

Маълумки ҳар бир халқнинг ўзи учун эъозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади, Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган дурдоналардир. Масалан, қирғиз халқи "Манас"

достони билан, мисрликлар қадимий пирамидалар, французлар Париждаги Лувр саройи, ўзбеклар Самарқанду Бухоро, Хива, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Миллий қадриятлар таркибига қуйидагилар киради: тарихий мерос ва тарихий хотира; маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар, илм-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналар, санъат ва миллий адабиёт; ахлоқий фазилатлар; диний қадриятлар; урф-одат, анъана ва маросимлар, маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

Мустақиллик туфайли халқимизнинг қуйидаги миллий қадриятларига алоҳида урғу берилди:

1. Халқимизнинг ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
2. Жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
3. Ота-она, маҳалла-қуй, умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;
4. Миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
5. Каттага-ҳурмат, кичикка-иззат;
6. Меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт адабийлигининг рамзи-аёл зотига эҳтиром;
7. Сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
8. Ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, миллий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади. Миллий қадриятлар муттасил ривожланиб, такомиллашиб боради. Миллий қадриятларнинг ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиши аҳолини айниқса, ёш авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаверади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 261-бет.
2. “Ўзбекистон овози” 1991, 27 сентябрь.